

Она юртинг – олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛАЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҮМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни»
номи билан чиқа бошлаган

№ 46(65873)
1995 йил, 5 декабрь, сешанба

Сотувда
эркин нархда

● 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



Бахтили болалик онлари

ҲАМИША ТАЪЗИМДАМИЗ

Исми шарифим Юра Пак. «Урмонбек» миллий ҳунармандчилик лицейида билим оламан. Иккى акам ҳам шударгоҳни битириб, меҳнат қилишпти. Биз оиласиз билан ўзбек тилини мукаммал биламиз. Узбек халқи, унинг урф-одатларини жуда қадрлаймиз. Ўзбекистонда яшовчи фуқароларнинг миллати, ирқи, динидан қатъий назар барчага тенг ҳуқуқни берган Ўзбекистон бош Қомусини ва уни ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишида катта ҳисса күшган юртбошимиз Ислом Каримовни ниҳоятда қадрлаймиз.

Азиз юртбошимиз Ислом Каримов Мирдаги «Ал-Ахром» газетаси мухбири саволларига жавоб бериб шундай дегандилар: «Ҳозир 120 миллият фуқаролари Ўзбекистоннинг 22 миллионли халқини ташқил этиб турибди. Уларнинг ҳаммалари тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятларга эгадирлар. Бизда қабул этилган қонуллар ёки фармонлардан бирортаси аҳолининг фуқаро-

лик ва миллий ҳуқуқларини камситмаслигини ишонч билан айта оламан. Биз ҳақиқий кўпмиллатлилик учун пишик-пухта ҳуқуқий негиз яратдик, бу негиз Республиканиг янги конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди. Унинг моддаларидан бирида: «Ўзбекистон халқини миллиатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб ёзиб қўйилган. Асосий қомусларимизниг барча бўлимларига миллий тенг ва бирлик гояси сингдирб юборилган».

Ана шунаقا. Биз Ўзбекистонда, унинг доно, халқпарвар раҳбари бошчилигида яшашдек баҳтга муяссар эканимиздан шукроналар айтамиз.

Юра ПАК,
Андижон вилояти,
Балиқчи туманидаги
«Ўрмонбек» миллий
хунармандчилик
лицеи талабаси.

ИЛМ ТИУЛЯСИ СОЯТИЛМАЙДИ

Мен Ўзбекистон Республикаси конституциясини ҳижжалаб ўрганиб чиқдим. Ва у халқимизнинг асрлар оша яшаб келаётган қадриятлари, урф-одатлари, эътиқоди, бир сўз билан айтганда, одамларимиз руҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тузилганига амин бўлдим. Маълумки, отабоболаримиз Ислом динига эътиқод қўйиб, унинг қонун-қоидаларига риоя этиб, яшаб ўтганлар. Бу дин ақидаларига кўра илмни тирикчилик воситаси қилиб олиш қаттиқ қораланади. Чунки илм савоб топиш йўлида олим уламолар томонидан бошқаларга ўргатиладиган нарса.

Худди шуни ҳисобга олган ҳолда тузилган конституциямизда ҳам бепул илм олиш давлат томонидан кафолатланади, дейилгани айни муддаодир. Зоро, илм маънавият саналгани сабабли уни пул билан ўлчаб бўлмайди. Билим олишга сарф бўладиган харажатларнинг давлатимиз томонидан қопланиши ёш авлодни саводхон, касбхунарли, юксак маънавиятли этиб тарбиялашда катта гамхўрлик кўрсатилаётгани исботидир. Бу гамхўрлик туфайли ноёб истеъододли болалар бой ёки камбағал бўлишидан қатъий назар ўз иқтидорларини намойиш этиш, халқ хўжалигига фойда келтириш имкониятига эга бўлишади. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир мактаб ўкувчиси аъло баҳоларга ўқиб, ўзининг интеллектуал қобилиятини ўстириши, ватанга фойдаси тегадиган инсон бўлишга интилиши, керак.

Эгамназар САФАРОВ,
Самарқанд шаҳридаги Абдулла Авлоний номли
мактаб ўқитувчisi.



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Йил мактаби-95» кўрик-танловини ўтказди. Унда Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 21-мактаб биринчи ўринни олди.

Қўнғирот туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалигига 844 уринли муҳташам мактаб фойдаланишга топширилди.

Германия Федератив Республикаси ҳукумати томонидан Ўзбекистонга оналиқ ва болаликни ҳимоя қилиш тадбирлари учун беш миллион дойчмарка ажратилди.

Сеулдан Тошкентга 20 тоннали контейнерлар келди. Ундаги китоб ва ўқув-қуроллар Корея Республикаси пойтхати департamenti томонидан ўзбекистонлик болаларга тақдим этилган эди.

Тошкентда оналиқ ва болаликни ҳимоя қилиш ҳамда оиласи режалаштириш лойиҳа дастурини ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Юртимиз бўйлаб Халқаро ногиронлар куни кенг нишонланди.

Республика ўқувчилар саройининг 60 йиллиги олдидан

Дейдиларким, бир подшо
ўлғизгина ўғлини олимнинг
тарбиясига топширибди:

— Бу ҳам сенинг фарзанд-
ларинг қаторида фарзанд бўл-
син, унга таълим-тарбия бер!

Олим эса шаҳзодани заҳ-
мат чекиб, бир неча йиллар
давомида ўқитиб, ургатиби.
Лекин меҳнатлари зое кетиб,
шоҳнинг ўғлидан одам чиқ-
мабди. Уз ўғиллари эса илм-
фан, одоб, хунарда камолот-
га етишибди. Бундан огоҳ бўл-
ган подшоҳ олимни койиб:
«Сен аҳдингни бузиб, ваъдага
вафо қилмадинг», дебди.
Шунда олим:

— Эй малик, тарбиянинг
расму қоидаси бир йўсунда
булур ва лекин истеъод тур-
лича эрур, — деган экан.

Дарҳақиқат, биржойда таъ-
лим-тарбия, хунар урганаёт-
ган болаларнинг қобилиятла-
ри турличадир. Мана шундай
истеъод, юксак фазилатлар,
аввало оиласда, мактабда ва
шу билан бирга мактабдан
ташқари муассасаларда
шаклланыб, равнақ топади.

Бутунги кунда Узбекистон-
да 567 та мактабдан ташқари
муассаса, жумладан 266 та
ўқувчилар уйлари, саройлар,
ёш ижодкорлар маркази, 136
та ёш техниклар, 138 та эко-
логик марказ, 26 та ёш сайх-
лар маркази фаолият кўрсат-
моқда. Сизга ҳикоя қилмоқчи
булган ана шундай тарбия
масканларидан бири Республика
ўқувчилар саройидир. Тошкентда 12-14 декабрь кун-
лари саройининг 60 йиллик
тўйи ҳамда «Ёш ижодкорлар
ва фаоллар» слёти бўлиб уга-
ди.

* * *

Сарой 1935 йилда Йулдош
Охунбобоев имзоси билан
ташқил этилди. Уша вақтда
сарой қошида икки йиллик
гимнастикачилар, болалар
муисика мактаби, сарой ҳовли-
сига урнатилган, уз ўқув са-
ммёлетига эга бўлган авиамо-
делчилар тўгараги ишлаб ту-
ради. Усимлиқшунуслар Аф-
рикадан келтирилган экин-
ларни тажрибадан ўтказиб,
энг яхши натижаларни Буту-
ниттифоқ қишлоқ ҳужалик
кургазмасига юборишарди.

Янги саройининг илк қадам-
ларидан бири республика-
нинг Самарқанд, Андикон,
Наманган, Қўқон ва бошқа
шаҳарларига бориб, ўқувчи-
шлар ўртасида оммавий иш-
ларни ташқил қўлган ташви-
қот вагони бўлди. Унинг тар-
кибда қўйирчоқ театри, ом-
мавий ўйинлар, рақслар таш-
қил этувчи ташкилотчи бола-
лар, сарой симфоник оркест-
ри ва бошқалар фаолият кур-
сатарди.

1937 йилнинг 29 марта ёш
шахматчиларнинг чинакам
шодиёна кунига айланди. Шу
куни шахмат бўйича жаҳон-
нинг собиқ чемпиони Эма-
нуэл Ласкер сарой меҳмони
бўлиб, бир вақтнинг узида 30
нафар шахасор билан дона
суринди. Орадан икки йил
утгач эса, саройда Узбекис-
тондаги энг катта кутубхона-



ЎРДАНИЧ МУМКИН, ЎРДАПИЧ МУШКУЛ

нинг болалар бўлими очилди,
унинг жавонларида 5000дан зиёд
китоб бор эди.

* * *

1941 йилда саройининг тўга-
рак аъзолари, яъни болалар Ва-
тан ҳимоясига отландилар. Ус-
пирийлик йиллари сарой йарго-

корпуси, маҳсус куббали бола-
лар обсерваторияси, 230 уринга
мўлжалланган кинозал, омма-
вий машқлар учун хоналар, хо-
реография ва кўргазма заллари-
ни ўз ичига олган.

Хозирги кунда 4.360 нафар
үгил-қизлар турли тўгаракларда
уз билимларини чукурлашти-
риб, қобилиятларини шакллан-
тирмоқдалар. Сарой қошида 5

боблари»,
дастаси, «Гунча»
вокал чол-
гу дастаси
бу-
гунги кути-
да нафа-
қат рес-
публика-
мизда бал-
ки муста-
қил ҳамду-

стлик давлатларилаги тенглоши-
лари орасида ҳам ўзбек миллий
санъатини намоён қилиб кел-
моқдалар. Республика мизда ут-
казиладиган Мустақиллик ва
Наврӯз байрами тантаналари
нинг барчаси уларнинг ишти-
рокисиз ўтмайди.

Болаларнинг техникага бўл-
ган қизиқишини оширишда,
уларнинг келгусида малакали
муҳандис, ихтирочи, лойиҳачи
булиб стишишларида фан ва
техника бўлимининг олиб бора-
ётган ишлари мақсаддага муво-
фиқдир. Тўгарак аъзолари уз
шахсий ихтиrolари, ишлаб чи-
қарган маҳсулотлари билан рес-
публика, ҳалқаро қўрик-тандлов-
лар, мусобақаларда мувоффа-
қиятли иштирок этмоқдалар.
Жуда кўплаб тўгарак аъзолари
республика Улуғбек жамғарма-
сининг совриндорлари. Радио-
конструкторлик тўгараги бутун-
ги кунда радио тармоғи орқали
Мустақил Ҳамдустликдаги ва хо-
рижий давлатлардаги тенгдош-
лари билан мингдан ортиқ ало-
қа ўрнатишиди.

* * *

Бутунга келиб саройда иш-
лаб келаётган 185 нафар ходим-
дан 30 фоизи собиқ тўгарак аъзо-
лари булиб, эндиликда олий
маълумотли стук мутахassislar
сифатида ўқувчиларга сабоқ бер-
моқдалар. Улар ораси
дагиларнинг икки нафари фан
доктори, етти нафари фан ном-
зодлари, уч аспирант, икки на-
фари Узбекистонда хизмат кур-
сатган артистлар, бири Узбек-
истонда хизмат курсатган ўқи-



ҳида ўтган Самиг Абдуллаев,
Владимир Карпов, афсонавий
боксчи Андрей Борзенко уша
вақтда энг олий унвон — Совет
Иттифоқи Қаҳрамони унвони-
га сазовор бўлган эдилар.

Сарой қошида кичик корхона-
на, тикув цехи очилиб, қизлар
жангчиларга кийим-кечак тики-
шарди. Уруш йиллари тўгарак
аъзолари 2.500 дастрўмол, 560
жуфт эркаклар ва 418 жуфт асл-
лар ички кийими, 250 та халат,
800 та хотин-қизлар кўйлаги, 231
та пахтали чопон, 2.600 та чой-
шаб тикиб, фронтга жунатиши-

ди. Бадий ҳаваскорлар госпитал-
ларда ётган ярадорларга кон-
церг дастурлари қўйишар, улар-
га турли китоблар ўқиб, ҳикоя
ва эртаклар сўзлаб беришарди.

Пахта терими мавсумида, тў-
гарак аъзолари далага чиқиб,
кattаларга кумаклашдилар.
1942 йилнинг узида 4744 мактаб-
да таълим олаётган ўқувчилар
уч минг тонна пахта териб бер-
дилар.

1961 йилда шаҳар миқёсида
очилган сарой Республика са-
ройига айлантирилди. Бу дар-
гоҳ барча вилоятлардаги ўқув-
чи ёшлар ўртасида тарбиявий
иншияларни олиб борадиган таш-
қилотчи ва йўл-йўриқ курсата-
диган услубият маркази бўлиб
қўлди.

1980 йил республика мизда
пойтахтининг марказий кучалар-
идан бирида саройининг янги
биноси қад кўтарди.

Саройининг архитектура ан-
самбли тўгарак машгулотлари

ни илмий асосланган ҳолда олиб
боришни уз олдига бош вазифа
деб қўйди. Шу мақсадда жамоа
Республика Фанлар академия-
сининг олий илмгоҳлари билан
ижодий ҳамкорликда, олимлар
етакчилигига «Мантиқий фикр-
лаш», «Ёш иқтисодчи», «Ёш физи-
кль», «Ёш математик», «ЭҲМ» тўгаракларини ташқил
этib асосий эътиборни бола-
ларнинг ижодий қобилиятларини
устиришга қаратди.

Нафосат бўлими саройдаги




энг стакчи бўлимлардан бири
булиб, унда ҳар бир тўгарак ва
даста болаларнинг бадий дил-
дини устиришга, уларнинг
санъатга бўлган меҳрларини
опиришга қаратилган.

Тўйчи Иногомов номидаги
доирачилар дастаси, Узбекис-
тон Ешлар Иттифоқи мукофоти
совриндори «Юлдуз» бола-
лар рақс дастаси, «Чаман» на-
мунали болалар ҳаваскорлик
халқ дастаси, «Бойчечак» хор
жамоаси, «Ўзбек халқ чолгу ас-

тиччи» яна бири Узбекистонда
хизмат курсатган маданият хо-
дими, икки нафари Республика
рассомлар уошмаси аъзоси, йи-
тигма нафари Узбекистон Респу-
бликаси халқ маорifi аъло-
чисидир.

Утган йиллар мобайнида са-
рой минглаб ёшларга мустақил
ҳаётда ўз ўрнларини топишила-
рида ёрдам бериб келди. Рес-
публика мизда турли жабх-
ларида меҳнат қилаётган ва эл
ардогида бўлган Узбекистонда



хизмат курсатган артистлар:
Фарруҳ Зокиров, Қаҳрамон
Дадаев, Қизлархон Дустмуҳа-
медова, Диляфуз Жабборова,
Қодир Муминов, Насиба
ва Зиёда Мадраҳимовалар. Гул-
чехра Жамилова, Дилемурод,
Холмурод, Элмурод Исломов
кабилар сарой тўгараклари ва
дасталарида санъат оламига
илк бор қадам қўйганлар.

— Саройимизнинг вазифа-
си, энг аввало услубий ёрдам
курсатиш ҳисобланади, — дей-
ди Республика ўқувчилар са-
ройи директори Олия опа Ибо-
роҳимова. — Синф раҳбарла-
ри, бош етакчилар, ўқувчилар
саройи етакчиларида санъат
оғизни таъминлаштириш
оромгоҳлари, турар-жойларда
тўгараклар ташқил этиш ҳам-
да улар фаолиятига услубий
ва амадий ёрдам бериш бош
вазифамиздир. Услубий бу-
лим томонидан сунгти икки
йил давомида синф раҳбарла-
ри, мактабдан ва синфдан таш-
қари тарбиявий ишлар бўйи-
ча директор мувовинлари, бола-
лар етакчилари, тўгарак раҳ-
барлари учун 50 босма табоқ-
дан иборат 30 номдаги услубий
тавсия ва қулланмалар
ишлаб чиқилиб, жойларга жу-
натилди.

Аҳмад Дониш фарзандла-
рига насиҳат қилиб, «Сурат-
ларингни эмас, сийратла-
рингни тузатинглар», деган
екан. Инсонда ташқи гузал-
лик ҳам бўлиши керак, албатта.
Аммо, одамдаги асосий гу-
залик — ички, маънавий-ру-
хий гузаликдир. Билимсиз,
хунарсиз киши ҳар қанча кур-
кам бўлмасин, у эл эътибори-
ни узига торта олмайди. Шунинг
учун ҳам фарзандларининг
шахсий фикрларига эга бўлишлари,
ҳар соҳада «сизники маъқул» қабилида
иши тутмасликлари лозим, на-
заримда.

Урганиш осон, ўргатиш
мушкул. Саройининг 60 йиллик
юбилейини нишонлаш
арафасида таълим-тарбия ур-
ганаётган болаларга, уларга
хунар ўргатишида чарчамаёт-
ган мураббийларнинг кучла-
рига куч, гайратларига гай-
рат қўшилишини тилаб қола-
миз. Зоро, билим ва хунари
 билан болажонларимиз ўз ор-
зутилакларига стадилар.

Феруза ОДИЛОВА.

Р. Альбеков олган суратлар.

Мен бугун сизга таништиримокчи бўлган акангизнинг номи Алишер. Ҳа, дадажониси ҳам, онажониси ҳам буюк шоирга ушаш таниқли киши булсин деб, шундай исм қўшишган. Буни қаранг, орзулари амалга ошиб, фарзандлари бугунги кунда эл эъзозлаган, ажойиб мусаввир бўлиб етишиди.

Алишер ҳақидаги сұхбатимни бошлапдан аввал бир нарсага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Яқинда «Гулхан» журналинг 1965 — 1970 йиллардаги таҳламларини вараклаб чиқдим. Отгмишинчи йилларда босилган шеър ва ҳикояларга безакларни Анатолий Циглинцев, Виктор Будаев, Георгий Чиганов, Дмитрий Синицкий, Лидия Михайлова, Леонид Рябцев каби йигирмага яқин рус рассомлари ишлашган, аҳён-аҳёиди Кутлуг Башаров, Наримон Иброҳимов, Холиқул Ҳайдаров, Дамир Файзирахмонов, Алижон Холиков, Маҳмуд Жураев, Тельман Муҳамедов каби мусаввирлар ҳам жалб қилиб турилган экан.

Етмишинчи йилларда журналинг муаллифлари ҳам, бозови рассомлари ҳам тамом яшаргани кузга ташланади. Улмас Умарбеков, Носир Фозилов, Ҳудойберди Тухтабоев, Латиф Маҳмудов каби ёшлар Раҳмат Файзий, Ҳаким Назир, Еқубжон Шукуров сингари тажрибали адилар ёнидан жой олишиди. Мираизз Альзам, Рауф Толипов эса, Қулдус Муҳаммадий, Пулат Мумин, Тобиб Йулдошга ухшаган болалар шоирлари изидан адабиётга кириб келишиди. Уларнинг асарларини бозаси учун ёш, истеъодли рассомларни даврнинг узи тақозо қиласар эди.

Бу даврда Ҳабибулло Раҳматуллаев, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Отахон Ҳамдамов, Абдубоқи Ғуломов, Навоий Усмонов, Гулбаҳор Ҳошимова, Темур Маъдуллаев сингари забардаст ёшлар тасвирий санъатнинг турли жанrlари буйича ижод қилиб, бир қолида расм чирадиган, «Ҳаммасини узимиз қойил қи-



ламиз» дейлигапларни четта суреби чиқара бошладилар. Алишер Мирзаев ҳам ана шу иқтидорли ёшлар қатори мўйдалам тебратарди. Эсимда, 1975 йили Алишер таҳририят буюртмаси билан Василь Хомченконинг «Орзу» қатрасига, Зиёд Комиловнинг янги шеъларига, Темур Убайдуллонинг «Чили — Ватаним менинг» достонига безаклар ишлади. Дастрлабки чизган расмлари жонли чиқсан булиб бошқа рассомлар ишидан узига хослиги билан ажralib туради. Бу рассомлар журналинг уша йилги 8, 11 ва 12-сонларида босилиб, таҳrir ҳайъати аъзоларининг эътибори ишидан узига тортган эди.

Ана шу Алишер акангиз етмишинчи йилларнинг бошларида «Ёшлар намойиш қилади» деган республика кўргазмасида қатнашгандан сунг тилга тушиди. У П. Бенъков номидаги республика бадиий билим юртни битиргач, 1968 йили В. Суриков номли Москва рассомлик институтига уқишига кириб, таниқли мусаввирлардан сабоқ олди. Тарабалик йиллари шарқ миниатюра санъатига қизиқди. Бу иштиёқ кейинчалик йиррик асарлари ечимларини ҳал килишда уз аксини топди, 1972 йилда яратилган «Болалик эсдаликлари», 1974 йилда дунёга келган «Кук бозори» бунга мисол була олади.

• Давлат мукофоти соҳиблари

Зироатчилик — қишлоқ хужалиги маҳсулотларини мул-кул этишириб, эл дастурхонига файзу-барака киритиш ҳалқимизнинг азалий одати. Узбек дехқони шу она заминда бебаҳо нозу-неъмат яратиши билан ҳақли равишида фарҳланади. Бинобарин қишлоқ ҳавтига — пахтакорлар, чорвадорлар, галлакорлар, бөгбонлар меҳнатини қўйлаш мавзуси ижодкорларни ҳам бефарқ қолдира олмайди. Шунинг учун ҳам ранглар жилосининг мафтуни бўлган Алишер акангиз «Қизил карвон», «Бахмаллик бола», «Жиззаз замин одамлари» асарларини яратиш учун қишлоқ кишилари турмуши билан якнанданишиди.

Айни вақтда рассом акангиз бир неча таниқли кишиларнинг портретларини чизиб, бу жанрда ҳам муйқалам тебратади олишини исботлади.

Алишер Мирзаев Болгариянинг Засково, Мугилистоннинг Улан Батор, Суриянинг Дамашк, Ливаннинг Калькутта, Россиянинг Москва шаҳарларида шахсий кўргазмасини намойиш этдики, бу баҳт ҳаммага ҳам насиб қўйлавермайди. Бундан ташқари унинг асарлари АҚШ, Италия, Франция, Болгария, Руминия, Испания, Мексика, Люксембург ва бошқа мамлакатлардаги кўргазмаларда намойиш қилинганини таъкидлаш үринлидир.

Узбек романчилигининг пойдерорини яраттан севимили адабимиз Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди Алишер Мирзаевни кўпдан бери қизиқтириб келади. У «Абдулла

Қодирийнинг ёшлиги», «Кумуш ва Зайнаб», «Ҳайдалиц куйи», «Отабек қабристонда», «Сиз — қочқоқсиз», «Қатл этилган китоблар», «Утган кунлар», «Мехробдан чаён», «Иймоним тазики остида сузлайман», «Адиб курдирган шийпон» каби 30 дан зиёд сурат чизиб, дилидаги эзгуниятларини ифода қилгани алоҳида таҳсинга сазовор. «Узбек рассомлари орасида Алишер Мирзаев мумтоз адабиётимизга алоҳида юксак меҳри, бутунги сўз санъатига беҳад яқинлиги билан ажralib туради, — деб ёзди Ҳайридин Султонов «Нурга чумилган сиймолар» мақолосида.

Бу фазилат унинг мазмундор тасвирларида, мавзуу ва ранг танлашида, услубига хос миллий лаъофат туйгусида яққол кўринали...

«Утган кунлар» романидаги оқиля Кумушбеби Марғилонга — онасига ёзган мактубларининг бирида қайнотаси Юсуфбек хожини «нур ичига чумилгандек булиб куринувчи сиймо» деб таърифлайди... Бу таърифни ҳасос рассом Алишер Мирзаевнинг сеҳрли қаламидан чиққан мазкур расмлар туркумida тасвир этилмиши сиймоларга ҳам мумбобласиз нисбат бериш мумкин.

Узбекистон ҳалқ рассоми Алишер Мирзаев утган йили ана шу туркум ҳамда замонавий мавзулардаги асарлари учун Узбекистон республикасиининг Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди. Турфа ранглардан сержило асарлар ярататган Алишер акангизга омадтилаймиз.

Наримон ОРИФЖОНОВ.

Узбекистон Алоқа вазирлиги «Метбут уюшмаси»
"ТОНГ ЮЛДУЗИ" 64563
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)
Рӯзномасига ОБУНА
обуна сони
1996 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга
(пошта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)
Рӯзноманинг ЕТНАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

П.В.	Жойи
------	------

 64563
(нашр кўрсаткичи)
"ТОНГ ЮЛДУЗИ"
(нашр номи)
обуна баҳоси | баҳоси | сўм | обуна сони
янги манзилга юбориш баҳоси | сўм |
1996 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга
(пошта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Қадрли болалар!

Мана обуна мавсуми тугалланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Қалай, ўз газетангиз «Тонг юлдузи»га обуна бўлишга ултурдингизми?

Мабодо ёдингиздан кўтарилиган бўлса, яна эслатамиз.

Обуна баҳоси: бир йилга 208 сўм, 80 тийин.
олти ойга 104 сўм, 40 тийин.
Ташкилотлар учун:
бир йилга 312 сўм,
олти ойга 156 сўм.
Индексимиз:
Якка обуначилар учун: 64563
ташкилотлар учун: 64579.



ҚУВНОК

ШАНАФФУС

— Қани, уйга берилган вазифаларни ким бажариб келди? — сўради ўқитувчи синфга мурожаат қилиб. Иккича-уч нафар ўқувчи биринкетин қул кўтаришиди.

— Яна уша аълочиларами? Колганлар-чи? Бу гал қул кўттарганлардан сўрамайман.

Ўқитувчи шундай дедида, рўйхат билан чақириш учун журналга қаради. Бонини кўтариб, синфга юзланганида ўқувчиларнинг барчаси қул кўтариб туришади. Мактаб ҳовлиси эса яна тинчид қолади. Танаффус уз номи билан қувноқ танаффус-да!

.Р. АЛЬБЕКОВ
туширган сурат-
лавҳалар.



Кунгироқ чалинди. Ҳовлилар, йўлкалар, уйин ҳамда спортмайдончалари гавжумлашиди. Кимдир дарс таасуротлари ҳақида ҳикоя қилса, кимдир латифанинг «янгиси»дан айтиб, дустларини кулдиради. Кимдир ўзи-

● **Туркистан — умумий уйимиз**

Муллахмад Конозов — қозоқ болалар ёзувчisi. Унинг қатор қиссалари республика миёссида ўтказилган танловларда голиб бўлган. Ёзувчи қаламига мансуб «Чика — Добилниг ўели» қиссани ҳам республика танловида 1-уринни эгаллаган.

Мажкамой Умаров ҳамда Курдош Қаҳрамонов ана шу қиссани ўзбек тилига таржима қилишган. Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб «Чика — Добил-ниш ўели» қиссадан парчалар ўқиб борасиз.

**ЧИКА —
НЕМИСНИНГ
ЎҒЛИ БЎЛСА
КЕРАК**

Менинг билишимча, Чика немиснинг боласи. Чамамда, каттагар буни биздан яшираётлар. Шубҳаланишимнинг сабаби ҳам бор.

Кечак кечқурун овулнинг барча хотинлари «Танзиланинг туйига борамиз», деб унинг уйига ийғилишиди. Танзила холам хали фарзанд кўрмаган, шаҳардан бола олиб келди.

Онам менга «орқамдан эргашма» деб, уйда қолдириб кетди. Узлари ёққа қонурилган бүгдой еб, чой ичб қайтиши. Эрталаб онамнинг «Чирғим-он», Танзиланинг боласи мусулмонга сираям ухшамайди, деб шивирлаёттани кулғимга чалинида, дарҳол бусагада еттан, зийлари титилиб кетган эски калишни оёғимга илдим-у, уша уйга кундуздай учдим.

Уйнинг көк турида юзларини олашақсаңкинг тухумидек сепкил босган сари бола ўтиради. Бўйни қиљдек, кирра бурун, қўзлари туздек кўм-кук. Қаласи тўп билан бир урса узилиб тушгудек... Худли кўйиб кўйгандек немиснинг ўзи... Кирганимдан менга уқрайиб қарди. Тезроқ Оқбутага етказдай, деб шартта орқамга қайтдим. Оқбутаги эргаштириб келсан, бошқа болалар ҳам етиб келишган экан. Улар орасида Жумажон ҳам бор. Уйнинг кунгай томонида тупланишиб Танзиланинг шаҳардан олиб келган боласи ҳақида гаплаша бошладик.

— Ўзи-ку, сап-сарик, ҳатто мендан ҳамmallaroқ экан. Бўйни қилдай, қилдай, — дедим мен.

Қийшик: — Кечак опеклаёттанди курдим. Бошида генералча шапкаси бор, — деди.

Шу пайт боланинг ўзи куриниб қолди.

— Ана, чиқди, — деди Оқбута менин туртиб.

— Ийдом, ийдом, — деди Жумажон. — Орамиздаги ёзиг зур, шу. Нариги овулдаги станциянинг болалари ёнинг бориб юради. Урисчага жуда уста. — Не байтася... не баяться... мий кушаш не будум.

Бола яқинроқ қелди. Ҳақиқатан ҳам бошида қизил ўлдузли япяни пилоткаси, белизда ялтираган сари тұғали камари бор экан.

— Пашемнан? — деди Жумажон пилотканы кўрсатиб.

Бошқамиз миқ этмаслик.

— Не... не!

— Бу..., бу..., — уни масхара қилди Жумажон, — нима бузоқмисан? Хуш, бу..., бу...

— Не продаю.

— Пирдаешь... Айтдим-кусенга, пирдаешь. Бир сум.

— Не ори. Не буду продавать...

— Бола иккى қулини шимининг чүнтагига сүқди.

— Манони немис-ку. Унинг дабдаласини чиқариш керак. Бу — фашист Советский эмас, чистий фашист. Перед фашистга. Перед, — Жумажон шундай деб унга ташланди.

Мен югуриб унинг орқа томонига утдим-да, оёқлари остига энкайиб турдим. Жумажон уни итариб юбрганди, чалқанчасига ийқилиб тушди. Кейин уни дүппослай кетди, қийшик эса устига мишиб олди. Мен бор кучим билан бикинига тепдим. «Ма, пашис, ма, пашис!»

Шу чиқаридан Танзила янга чиқиб қолди-ю, ҳаммамиз ҳар қаёқка тум-тарақай қочиб қолдик. Танзила янга ёзиг аввал бизнисига келиб упкалаши турган гап. Шунинг унин онамнинг ёдидан кутарилиб, жаҳдидан тушгунича кўзига куринмай турганим маъкул. Оғиғ турдиги ҳашакнинг ура оғзидан паналяганча бориб кириб кетдиган. Ҳашак

устиди ётиб олиб бултур улган отамни ўйладим. Онамнинг: «Муродига етмагур фашист. Қарғишига учрагри. Уғил-қизингнинг роҳати кўрмагур фашист. Оҳ, ёғизиги нангдан айрилтур фашист», — дега юзини юлиб йиглагани кўз олдимга келди.

**БИЗ ҚУШНИ
ТУРАМИЗ**

Биз кўпдан бўён Танзила хола билан қушни турамиз. Шунданми, Танзила деб билдан хат келса бўлди, ёнг аввал менга ўқитади, ёздириб ҳам олади.

Кечки пайт уйга Танзила кириб келди. Бояги жанжални айтмаса турға эди, деб бадамин музлаб кетди.

Сарифола, акантага хат ёзиб бер. Юртни согингандир. Ҳабарни билсин, — деди жилмайиб.

Қунглим жойига тушди. Қоғоз қаламни олиб ёзишга киришдим.

Узи айтиб турди:

«Олтингдан қиммат, кумушдан азиз ажаконимида эл-юртдан, ургонгиз Танзиладан ўзига хат»...

Хат ҳар сафар шундай бошланиди. Шунинг учун у ҳали буни айтмасиданоқ ёзиб қўйдим. Илгарилари «У бօғ ҳат» деб ёзиб юрардим, кейин «ушбу» деб ҳижжалайверганидан сунг тугри ёзидиган бўлдим, лекин унинг маъносини ҳанузгача тушунмайман.

«Ўзингни худо сақласин, ботир акамнинг арвоҳи қўллаб, ҳаминча омон бўл. Суюнчи, акаси, суюнчи. Болали бўлдим. Уғил бола. Айттанинг бўлди. Ҳозир утоворингда икки бирдек одам сенга интизор ўтирибмиз. Суқонавер. Дитдомга бориб олдим. Ёши ун бирда. Туртнинчи синфа ўқиди. Қозокчани сувдан симиради. Бир ҳаёлим қозоқ ол, деди. Уйлаб-ўйлаб фикримдан қайтдим. Қозоқнинг «шишир-шишир» итамом бўлармиди. Бир куни бирори: «Бу боланинг акаси мен эдим», деб кукрагини кериб чиқса, шўримиз куриб колар. Кора кўйингни шу ишга расҳотладим. Чўлоқ қайногага айтиб, документини олдирдим. Памиласи Дабилов, оти Бахтжон. Ҳудо ҳоҳлаб, баҳтили бўлармикин, деб шундай ёздиридим. Дитдомда Танзигали жияннинг қизи ҳам, Филай отамнинг қудаси бор эди-ку, шунинг ўзиги ҳам юрибди. Нима ҳам қислин, бечоралар. Ҳукумат ўлдирмайди, ишқилиб бўқаянти. Отан урушдан эсон-омон келди, деб боланинг ҳар куни қуонтириб ўтирибман. Тилагимиз қабул бўлиб, элга-сог-саломат қайттин, иломхим.

Шилқим келиннинг уч эчкисини, Садунинг тойчогини поезд босиб кетди. Тўрабола хат ёзиб, шу ойнинг ун бешиди поезд билан утаман, депти. Унга қўлқоп, пайпок, ўзинг кеттандан бери йигиб юртнан сариғимни бериб юбораман.

Тез-тез хат ёзиб тур.

Хатни ёзувчи ўргонгинг Танзила деб биларсан. 1943 йил, 7 апрель.

Танзила ён чүнтагидан Добилдан қачонлардир келган уч бурчакли хатни олди-ла, текислаб олдимга кўйди. Мен адресини ёздим.

(Давоми бор).



● **Тенгдошларинг ижодидан**

Умид Мадаминов Тошкент вилояти, Қиброй туманидаги 19-мактабнинг 8-синфида таҳсил олади. Ўқишилари аъло, жамоат ишларида фаол. Шу билан бирга шеърлар ҳам машқ қилади. Унинг шеърий мисраларида қандайдир жозиба, самимилик кўзга ташланади. Шеъриятга бўлган ихлосида исмига монанд умид учқунлари милтилаб тургандек.

Кийида Умиджоннинг шеърий машқларидан намуналар ўқийсиз.

МУШУГИМ

**Мушугим бор Бароқбой,
Миёвлашин қўймайди.
Қанча гўшт, сут берсам ҳам,
Ейди, асло тўймайди.**

**Обдон қорнин тўйғазиб,
Хур-хур ухлайди чунон,
Устидан сакраб ўтар,
Ундан ҳайиқмай сичқон.**

ОНДЖОН

**Онажоним-онажон,
Бағрингиз олам жаҳон.
Мехрингиз гўё қуёш,
Сиздан олиб кўр, оташ,**

**Нурланади истиқбол,
Истиқболли истиқтол.
Мехрибоним онажон,
Сизга меҳрим бир жаҳон!**

КЕМАЧАМ

**Кемачам, ҳой, кемачам,
Сузасан узоқларга.
Хаёлимни ўғирлаб,
Шошасан қаёкларга?**

**Денгизларми маконинг,
Мўл йўл босиб, қайт изга,
Балки олам эртагин,
Сўзлаб келарсан бизга?!**

Умид МАДАМИНОВ.

ҚИРҚИШ ЧИЗИГИ

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАРИ

Обуна варақасини бехато тўлғазишига ҳаракат қилинг! Агар обуна «Союзпечать» агентлигига расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ҮРТОҚЛАР!

Газета ва журнallарга обуна варақасини сиёҳли ручка-ларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари тўлдиради.

**ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси**

**Бош
муҳаррир
Умид
АБДУАЗИМОВА**

**Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Рахима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)**

**IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г 0561.
11.000 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босинига топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30**

- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри,
- Матбуотчилар кўчаси, 32-йи.
- Телефон: 33-44-25